

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Рахимов Ақтам Хусенович**

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти  
“Физика ва электроника” кафедраси доценти

***Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасалари рейтингининг моҳияти, унинг мақсади ва мезонлари, халқаро рейтинглар ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Польша, Япония ва Россияда олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш методлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда рейтингни аниқлаш мезонлари, 2022 йил натижалари бўйича рейтинг ҳамда олий таълим муассасалари рейтингини аниқлашни халқаро андозалар асосида такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ёритилган.*

***Таянч сўзлар ва иборалар:** таълим, сифат, мезон, рейтинг, академик имконият, миллий рейтинг.*

### **КИРИШ**

Рейтинг олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини таққослаш усули ҳисобланиб, таълим хизмати истеъмолчиларига – таълим олувчиларга, кадрларга буюртма берувчиларга ва таълим тизимини бошқарув органларига таълим муассасалари нуфузига оид маълумот тақдим этиш мақсадида амалга оширилади. Рейтинг олий таълим муассасасининг ёки унинг мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг таълим тизимидаги мавқеини белгилайди [1].

Рейтинг - бу баҳоланаётган бир таълим муассасасининг бошқасидан устунлигини тавсифлайдиган сон бўлиб, у кўпинча алоҳида кўрсаткичлар йиғиндисига асосланадиган шартли интеграл кўрсаткич сифатида ҳисобланади. Рейтингни аниқлаш таълим хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган бўлиб, у:

- таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш;

- таълим тизими бошқарув органлари, кадрларга буюртма берувчилар, оналар ва таълим олувчиларга таълим муассасалари нуфузига оид маълумот тақдим этиш мақсадида амалга оширилади.

- жаҳон тажрибаси рейтинг асосан қуйидаги уч туркум кўрсаткичларни баҳолашга қаратилганлигини кўрсатади:

- иш фаолияти натижаларида эришилган кўрсаткичларни баҳолаш;

- таълим муассасасининг амалдаги ҳолатини тавсифлайдиган кўрсаткичларни баҳолаш;

- муассасанинг ички имкониятларини ишга солиш ҳисобига эришиладиган кўрсаткичларни баҳолаш.

Бунда талабалар сифатли таълим олишлари учун яратилган шарт-шароитларга, талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашганликларига оид кўрсаткичларни баҳолаш алоҳида ўрин тутди [2].

### **TADQIQOT METODLARI**

Tadqiqot jarayonida ilmiy va o'quv-uslubiy adabiyotlar tahlili, pedagogik kuzatuv, qiyosiy tahlil, umumlashtirish, pedagogik tajriba-sinov va forsayt metodlaridan foydalanildi.

### **TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMALAR**

Таълим муассасалари рейтингларини ташкил этиш ва аниқлаш усуллари турли-туман бўлиб, давлатларнинг таълим тизимлари ва олий таълимни баҳолаш усуллари билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда бир қатор хорижий давлатлар, жумладан Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Польша, Нидерландия, Испания, Япония, Хитой, Россия, Украина каби давлатлар таълим муассасалари рейтингини аниқлаш ва қўллаш бўйича бой тажрибага эга. Улардаги мавжуд рейтинг тизимлари турли ёндошувлар асосида таълим тизимлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган [3].

**АҚШ**да рейтинглар ўтказишда уч гуруҳ сифат кўрсаткичлари ишлатилади: талабалар муваффақияти, ўқитувчилар таркиби эришган ютуқлари ва ОТМнинг академик имкониятлари. Ушбу кўрсаткичларни рейтинг кўринишига ўтказишда вазнлаш ва жамлаш усули қўлланилади.

**Буюк Британия**да рейтингни оммавий ахборот воситалари статистик манбалардан олинган маълумотларга асосланиб аниқлайди. Кўрсаткичлар орасида илмий ишларга ҳам эътибор қаратилган. Таълим муассасаси ҳақидаги кадрлар истеъмолчилари фикрлари асосий кўрсаткичлардан бири сифатида қабул қилинади.

**Германия** рейтинг тизими биринчи навбатда мактаб битирувчилари учун мўлжалланган бўлиб, бунда мутахассисликлар рейтинги аниқланади. Натижада,

университетлар яхши, ўрта ва ёмон гуруҳларга бўлинади. Рейтинг бўйича қарор қабул қилишда асосан университетлар ва улар жойлашган шаҳарлар ҳақида маълумотлар, талабалар контингенти, курслар ва ўқитиш бўйича асосий маълумотлар, ишга жойлашиш, меҳнат бозори ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар фикрлари ҳисобга олинади.

**Польшада** ОТМлар рейтинги уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида олиб борилади (умумуниверситетлар рейтинги, хусусий университетлар рейтинги, ижодий университетлар рейтинги). Рейтингда ўтган йил рейтинги натижалари ҳам маълум бир вазн билан ҳисобга олинади. Хусусий университетлар рейтинги бевосита университетда олинган ҳамда иш берувчилар ва ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровномалар асосида аниқланади.

**Японияда** университетлар рейтинги асосан 3 та йўналиш бўйича олиб борилади: таълим фаолияти, илмий тадқиқот фаолияти ва ривожланишга қўшилган ҳисса. Сўнгги вақтларда талабалардан ўтказилган сўровномалар ҳам кенг қўлланилмоқда.

**Россияда** ОТМларнинг рейтингини аниқлаш 2001 йилдан буён амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда рейтингнинг 2 модели, яъни таълим вазирлиги рейтинги ва оммавий ахборот воситалари рейтинги мавжуд. Биринчи моделда рейтинг экспертлар фикри ва статистик маълумотларга асосланган, аммо иш берувчилар фикри камроқ ҳисобга олинади. Иккинчи модел нисбатан мустақил, аммо етарли даражада илмий асосга эга эмас. Ушбу икки моделнинг ижобий томонларини ҳисобга олиш мақсадида нодавлат рейтинг Агентлиги ташкил этилган. Рейтингни тузиш учун ижтимоий сўровномалар ва эксперт баҳолаш, битирувчилар сифатини иш берувчилар томонидан баҳолаш, ОТМни ва унинг таълим дастурларини битирувчилар томонидан баҳолаш натижалари ишлатилади. Шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ҳам таълим дастурлари рейтинг аниқланади. Тўпланган маълумотлар айрим мезонларга ажратилиб, уларни вазнлаш, жамлаш ва умумий мезонни аниқлаш учун илмий асосга эга услубият қўлланилган.

**Ўзбекистондаги** олий ўқув юртларида таълим сифатини баҳолаш ва таққослаш асосида рақобатбардошликни ривожлантириш, таълим сифатини янада юксалтириш, йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, аниқ ва пухта истиқбол режаларни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сон Қарори асосида 2013-йилнинг 1-январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7

июндаги 467-сон қарори билан “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланган .

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти фақат ҳар бир олий ўқув юртининг мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида қандай ўринни эгаллаб тургани ҳақида ҳолис маълумотга эга бўлишдан иборат эмас. Энг асосийси, шу аснода олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади [1].

Олий таълим муассасалари рейтингини тузилмасида асосан қуйидаги 4 та кўрсаткичлар ҳисобга олинган:

1. Ўқитиш сифати даражасининг индекси
2. Талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси
3. Олий ўқув юртининг илмий салоҳияти
4. Бошқа кўрсаткичлар

Ўқитиш сифати даражасининг индексида хорижий олий таълим муассасалари даражасига хорижий олий таълим муассасалари даражасига (PhD) эга бўлган, жаҳондаги 500 та энг яхши олий ўқув юртлари жумласига кирадиган профессор-ўқитувчилар таркиби улуши, ўқитиш сифати даражаси, йил мобайнида олий ўқув юртлари ўқитувчилари томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сони, хорижий ўқитувчилар ва хорижий талабалар улуши, хорижий олий ўқув юртлари билан алмашиш дастурлари сони, хорижий тилда ўқитиладиган таълим (мутахассисликлар) йўналишлари сони, профессор-ўқитувчилар таркибининг хорижий тилларни ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражаси ва ўқув жараёнида лаборатория ва ёрдамчи ускуналардан фойдаланиш даражаси каби мезонлар киритилган [1].

Талабалар ва битирувчилар малакасининг индексида битирувчилар малакасини иш берувчилар томонидан баҳоланиши, халқаро ва республика олимпиадаларида ва нуфузли танловларда мукофотлар (дипломлар) ва совринли ўринлар билан тақдирланган талабалар сони, ўқишни тугатгандан кейин 6 ой мобайнида мутахассислик бўйича ишга жойлашган битирувчилар улуши каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган.

Олий ўқув юртининг илмий салоҳиятини баҳолашда хорижий ва ОАК эътирофидаги журналларда чоп этилган мақолалар сони, нашр этилган монографиялар сони, ҳимоя қилинган докторлик диссертациялари сони, чет эл

грантлари ва давлат грантлари, иқтисодиёт тармоқлари буюртмалари бўйича илмий –тадқиқот ишлари (хўжалик шартномалари) асосида олинган маблағлар эътиборга олинган [4].

Бошқа кўрсаткичларга ахборот-ресурс марказининг ўқув адабиётлари, шу жумладан электрон китоблар билан таъминланганлиги, электрон ресурслардан масофадан фойдаланишнинг мавжудлиги, ўқув жараёнида ва илмий-тадқиқот ишида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш даражаси, олий ўқув юрти веб-сайтининг сифати, касб-хунар коллежларида ўқув машғулотларини ўтказаётган профессор-ўқитувчилар сони киритилган.

Мамлакатимиз олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган агентликлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш белгиланган. Миллий рейтинг олий таълим муассасаларимизнинг нуфузли халқаро рейтинглардан жой олишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, бу йўналашидаги ишларни жадаллаштириш мақсадида Таълим инспекцияси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Йўл хатираси” тасдиқланган. Халқаро рейтинг индикаторларига мослаштирилган миллий рейтинг тизими орқали олий таълим муассасаларидаги сифат кўрсаткичларини йилдан-йилга яхшилаб бориш орқали уларнинг дунё рейтингда юқори ўрин эгаллашларини таъминлаш режалаштирилган [5].

Ўтган давр мобайнида ривожланган давлатлар тажрибалари чуқур ўрганилди. Халқаро экспертлар гуруҳи жалб қилиниб, амалдаги миллий рейтинг тизими қайта таҳлил қилинди. QS (Quacquarelli Symonds) ва THE (Times Higher Education World University Rankings) каби нуфузли рейтинг агентликларининг мутахассислари миллий рейтинг тизимимиз билан танишиб чиқдилар ва тегишли тавсияларини бердилар. Бугунги кунда рейтинг тузиш методикасини янада такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик ишлари давом этмоқда. Янгиланган методикага олий таълим муассасаларининг битирувчилари ҳақида иш берувчилар баҳоси, талабаларнинг мутахассислик фанларини билиш даражаси, профессор-ўқитувчилар яратган илмий мақолаларнинг «Web of Science» ҳамда «Scopus» каби халқаро базалардаги улуши, халқаро индекслар маълумотлари асосида илмий нашрларга иқтибослар сони, олий таълим муассасаси илмий-

тадқиқот фаолиятининг натижадорлиги, таълим муассасасидаги ижтимоий-маънавий муҳит каби янги индикаторлар киритилди [5].

### ХУЛОСА

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2023 йилда Олий таълим муассасаларининг (ОТМ) умумий рейтингини эълон қилди. Мазкур рейтингда вазирлик илк бор 98 та олий таълим муассасасининг 2022 йилдаги фаолият самарадорлиги баҳолади. ОТМлар 4 та соҳага ажратилган ҳолда сараланди: Ижтимоий-гуманитар соҳа — 35 та; Санаъат, маданият — 6 та; Тиббиёт соҳаси — 9 та; Техника, технология, қурилиш, қишлоқ хўжалиги — 26 та. Қайд этилишича, рейтингни тузишда 12563 нафар талабанинг фикрлари ва мутахассислик фанлари бўйича билмлари ўрганилди. Шунингдек, 31379 нафар профессор-ўқитувчиларнинг чет тилларини билиш даражаси ва 3740 нафар иш берувчиларнинг фикрлари сўровнома асосида ўрганилди [6].

Буюк Британиянинг Times Higher Education агентлиги томонидан эълон қилинган World University Rankings – 2023 рейтинг натижаларига кўра, бу йил республиканинг яна 18 та олий таълим муассасаси «репортер» мақомида қайд этилди. Бу билан Топ-1000 талик рейтингдан жой олиш учун даъвогарлар ўтган йилги 10 тадан 28 тага етди. Ушбу рейтингда университетлар 4 та йўналишдаги самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди: ўқитиш, тадқиқот, таълим сифати ва халқаро истиқболлар. Мазкур 28 та олий таълим муассасаси ТНЕ нуфузли рейтингларига кириш учун номзод сифатида танланиб, бунда рейтинг агентлиги уларга яқиндан ёрдам беради. Жорий йил ушбу рейтингда дунё миқёсида 1799 та университет қайд этилди. 526 та университет «репортер», яъни даъвогар университетлар номинациясига эга бўлди [7].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва ТНЕ халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли тайёрлаш кўзда тутилган. Унга кўра, олий таълим муассасаларининг салоҳияти ва ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро рейтингларга киритиш бўйича 5 йилга мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, бу асосда рейтингларга киришини таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланган [8].

## АДАБИЁТЛАР

1. Даминов А., Закирова М., Назаров Б. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш масалалари. ДТМ.
2. Рахимов О. Д., Муродов М. О., Рузиев Х. Ж. Таълим сифати ва инновацион технологиялар //Тошкент,«Фан ва технологиялар» нашриёти. – 2016. – Т. 208.
3. Рахимов О.Д. Таълим сифати-хаёт сифати. /ТАТУ Қарши филиали, 2015й.
4. Рахимов О. Д. и др. Замонавий таълим технологиялари //Т.:«Фан ва технология нашриёти. – 2013.
5. Олий таълим муассасалари рейтингини эълон қилинди.  
URL:<https://yuz.uz/news/oliy-talim-muassasalari-reytingi-elon-qilindi>
6. Ўзбекистон ОТМларнинг умумий рейтингини эълон қилинди.  
URL: <https://sputniknews.uz/20231019/otmlarning-umumiy-reytingi-elon-qilindi-40124841.html>
7. Ўзбекистондаги 28 та олий таълим муассасаси THE рейтингига даъвогарлар рўйхатида қайд этилди.  
URL: <https://kun.uz/news/2022/10/17/ozbekistondagi-28-ta-oliy-talim-muassasasi-the-reytingiga>
8. Олий таълим муассасаларининг миллий рейтингини эълон қилиб борилмоқда.  
URL: [https://uza.uz/uz/posts/oliy-talim-muassasalarining-milliy-reytingi-elon-qilib-borilmoqda\\_410883](https://uza.uz/uz/posts/oliy-talim-muassasalarining-milliy-reytingi-elon-qilib-borilmoqda_410883)